O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO`RG`ON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190900. Qumqo`rg`on tumani, O`zbekiston shoh ko`chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

2020 yil "21" апрел Қ-615 -sonli

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-бандига асосан, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифларини белгилаш мақсадида, вилоят "Сувоқава" ДУК Қумқўрғон туман филиалининг хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган маҳаллалар аҳолиси (истеъмолчилари) га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Сурхондарё вилоят "Сувоқава" ДУК туман филиали (И.Хурсанов) марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган маҳаллаларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.

3. Сурхондарё вилоят "Сувоқава" ДУК туман филиали (И.Хурсанов) томонидан аҳоли (истеъмолчилар) га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси туман филиали (И.Хурсанов)га:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Н.Жумаева) ва “Қумқўрғон садоси” газетаси бош муҳаррири (Р.Менгзияева) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ва “Қумқўрғон садоси” газетасида чоп этилишини ғамда электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи- бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсинлар.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Абдурахимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Р.Гаппаров**

DEVONXONA

TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO'RG'ON TUMANI
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIRI

Туман ҳокимининг 2020 йил

21 апрелдаги К-615-сонли қарорига илова

Вилоят "Сувоқова" ДУК Қумқўрғон туман филиали томонидан туман ҳудудидаги аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифлари

№	Ҳудуд номи	Миқдори (тн)	Муддати	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофа (км)	Ҳудудлар бўйича ҚҚС сиз ўртача тариф	
					сўм/тн	сўм/литр
	1	2	3	4	6	7
1	Саховат МФЙ	120	Ҳар 2 кунда	38 км	20 000	20
2	Тебат МФЙ	48	Ҳар 5 кунда	65 км	20 000	20
3	Гулистон МФЙ	48	Ҳар 5 кунда	30 км	20 000	20
4	Боботоғ МФЙ	24	Ҳар 10 кунда	42 км	20 000	20
5	Янгиобод МФЙ	100	Ҳар 2 кунда	24 км	20 000	20
6	Давлатсой МФЙ	80	Ҳар 3 кунда	30 км	20 000	20
7	Азларсой МФЙ	80	Ҳар 3 кунда	18 км	20 000	20
8	Тайфанг МФЙ	100	Ҳар 3 кунда	20 км	20 000	20

Қумқўрғон туман ҳокимлиги бош юрисконсульти Ф.Холтураев